

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАСИРОВА САБИНА ЗАУРОВНА

**ПОЛИПРАГМАЗИЯ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ИЧАК ЛИМФОИД
ТУГУНЧАЛАРИНИНГ МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 - Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2022

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Насирова Сабина Зауровна

Полипрагмазия шароитида ингичка ичак лимфоид тугунчаларининг
морфометрик ўзгаришлари 5

Насирова Сабина Зауровна

Изменение морфометрического состояния лимфоидных узелков тонкой
кишки в условиях полипрагмазии 21

Nasirova Sabina Zaurovna

Changes in the morphometric state of the lymphoid nodules of the small intestine
in conditions of polypharmacy..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАСИРОВА САБИНА ЗАУРОВНА

**ПОЛИПРАГМАЗИЯ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ИЧАК ЛИМФОИД
ТУГУНЧАЛАРИНИНГ МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 - Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Tib 1621** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Ахмедова Сайёра Мухамадовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Астрахан давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022 Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «26» сентябр куни соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (017 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2022 йил «12» сентябр куни тарқатилди.
(2022 йил «12» сентябр даги 11 рақамли реестр баённомаси)



[Signature]
А.Ш.Иноятов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Signature]
А.Н.Ачилова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

[Signature]
Н.А.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, XX аср муамоларидан бири бу полипрагмазиядир. Полипрагмазия таъсирида ошқозон ичак тизими касалликлари ҳозирги кунда етакчи ўринни эгаллайди. Бу асосан назоратсиз, сабабсиз, кўп миқдорда, асоссиз дориларни қабул қилиш билан боғлиқ. Ҳозирги кунда яллиғланишга қарши дорилар тиббиётда энг кўп ишлатиладиган дори гуруҳлардан биридир. Улардан кўп фойдаланиш сабаби антипиретик, яллиғланишга қарши ва аналгетик хусусиятлари борлигидадир. Бироқ яллиғланишга қарши дорилар, ичак трактида жиддий асоратларни келтириб чиқариши мумкин. «...ёши катта одамларда битта дори воситасини қабул қилганда ножўя реакциялар 10%, ўнта дори воситаларини қабул қилганда 100% ҳолларда юзага келади, ўлим эса 10% ташкил этади»¹. Айни пайтда, полипрагмазия ятрогения натижаси бўлиб, соғлиқни сақлашнинг жиддий муаммосига айланиб, клиник фармакотерапия самарадорлигини пасайиши ва оғир дори реакцияларини ривожланиши, шунингдек, соғлиқни сақлаш харажатларининг сезиларли даражада ошиши билан намоён бўлади. Бу эса полипрагмазия муаммоси нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммолигини ва унинг ечимини топиш долзарб вазифа эканлигини кўрсатади.

Дунё миқёсида ҳозирги вақтда энтеропатия, яллиғланишга қарши дорилар билан терапиянинг энг кенг тарқалган жиддий асоратларидан бири сифатида тан олинган. Кўплаб ўтказилаётган тадқиқотлар натижасида яллиғланишга қарши дори воситаларини қабул қилган одамлар орасида ичак перфорацияси, ичак ярасидан қон кетиш натижасида ўлим курсатгичи 15%ни ташкил этади. Аммо ушбу дориларнинг ичак иммун тизимига қандай таъсир қилишикатта қизиқиш уйғотади. Чунки ичак деворида жойлашган якка тартибдаги, гуруҳли лимфоид тугунчалар иммун жавобни шакллантириб, бутун организмни антигенлардан ҳимоя вазифасини бажаради. Дори воситалар таъсирида ичак лимфоид тўқимасида буладиган салбий таъсирлар токсемиянинг ривожланиши, иммунитетнинг пасайиши ва гомеостазнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун дори воситалар полипрагмазиясида ингичка ичакдаги лимфоид тўқимасини морфометрик ўзгариш даражасини аниқлаш, ташҳислаш ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини тубдан такомиллаштириш, жумладан сабабсиз дори воситаларни қабул қилишумумий организмга таъсири ҳар томонлама чуқур ўрганилган, асосли натижалар олинган. Бу борада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат

¹Сычев Д.А., Отделенов В.А., Краснова Н.М., & Ильина Е.С. Полипрагмазия: взгляд клинического фармаколога // Терапевтический архив. – Москва, 2016. – N 88 (12). – С. 94-102.

кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса дориларни назоратсиз кўп микдорда қабул қилиш натижасида ривожланаётган ичак касалликларидан ногиронлик даражасини камайтириш, замонавий тиббий хизмат сифатини, диагностика ва даволашни янги даражага кўтариш, замонавий технологиялардан фойдаланишни янада такомиллаштиришни тақозо этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4554-сон қарори, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Polympragmasia (Poly- юнонча куп, прагма ҳаракати) - бир вақтнинг ўзида (кўпинча асосиз) кўплаб дори дармонларни қабул қилиш. Сўнгги ўн йилликларни ўрганиш натижасида ингичка ичак шиллиқ қавати ва ичак билан боғланган лимфоид тўқималарнинг иммун тизимининг структуравий ва функционал хусусиятлари аниқланган. (Гусеинов Т.С., Гусеинова С.Т., 2017). Замонавий позициялардан ошқозон-ичак тракти организмнинг химоя функциясини бажарадиган энг муҳим аъзо ва умумий иммунитет тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралади (Тешаев Ш.Ж., 2001; Ражабов А.Б., 2003).

Бир ёки бир нечта патологиядан келиб чиққан ҳар қандай зарар ингичка ичакнинг химоя тўсиқлари, токсемиянинг ривожланиши, иммунитетнинг пасайиши ва гомеостазнинг бузилишига олиб келади (Пермяков П.К., Паркхоменко Ю.Г., 2015). Ҳозирги вақтда ичак тўсиғига ва ичак микрофлорасининг транслокациясига олиб келадиган куйидаги омиллар мавжуд: шартли патоген микроорганизмлар ва уларнинг токсинлари; вируслар; шиллиқ қаватга детарген таъсир кўрсатадиган дорилар (Урсова Н.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

И., 2011). Ушбу дорилар гуруҳларининг ён таъсири ошқозон-ичак тракти шиллик қаватининг шикастланиши билан боғлиқ (Елясин П.А., Залавина С.В., 2018).

Яллиғланишга қарши дори воситалар ҳозирги кунда энг куп қўлланиладиган дори воситалар гуруҳидир. Уларнинг ичак ичак шиллик қаватига таъсири кўп вақтлардан бери ўрганилиб келмоқда (Colucci R., Pellegrini C., Fornai M., 2018). Яллиғланишга қарши дорилар таъсири нафакат ошқозон ичак тизими шиллик қаватига (Маев И.В., Андреев Д.Н., 2017), балки буйрақлар (Короткова В.А., Семенова В.И., 2021), юрак (Шемеровский К.А., Фирова Е.М., 2020) ва бутун организмга (Софронов В.Г., Ауксадиева З.Ф., 2021) салбий таъсир курсатиши мумкин. Шундай қилиб, яллиғланишга қарши дори воситалар қабул қилиш натижасида юзага келадиган ингичка ичак шикастланиши ҳаётга ҳавф солувчи, иммунитетнинг пасайишига олиб келадиган вазият яратиши мумкин (Евсеев М.А., 2015).

Шунингдек, кўп адабиётларда Пейер тугунларига, лимфоид тугунчалар структурасига тасир килувчи кўпгина омиллар, масалан дегидротация (Гусейнов Т.С., Гусейнова С.Т., 2011), постспленэктомик синдром (Фаязов Р.Р., Чанышев Б.Ф., 2011), токсик тасирга эга моддалар: кўрғошин ацетати (Шейбак В.М., Павлюковец А.Ю., 2017), которан (Тухсанова Н.Э., Хасанова Д.А., 2017), циклофосфан (Морозова Е.Н., Мозоров В.Н., 2021) таъсирлари ўрганилмоқда. Мавжуд адабиётларнинг ўрганилиши полипрагмазияни ингичка ичак, аниқроғи лимфоид тузилмасига таъсири тўғрисидаги маълумотларнинг камлигини кўрсатган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир килувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларини ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» илмий тадқиқот режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади тажрибада полипрагмазия шароитида ингичка ичак лимфоид тугунчаларининг морфометрик ўзгаришларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

беш ойлик оқ зотсиз каламушларнинг интраэпителиал лимфоцитларининг морфологик параметрларини нормал шароитда ва икки, уч, тўртта ва бешта яллиғланишга қарши дорилар қўллаганда ўрганиш;

оқ зотсиз каламушларнинг якка тартибдаги лимфоид тугунларининг морфометрик кўрсаткичларини нормал шароитда ва бештагача ҳар хил турдаги яллиғланишга қарши дори воситаларини бир вақтда қўллаганда аниқлаш;

ингичка ичакнинг агрегатланган тугунлардаги лимфоид тугунчаларнинг морфометрик кўрсаткичларини беш ойлик оқ каламушларда нормал шароитда ва яллиғланишга қарши дори воситалар полипрагмазиясида ўрганиш;

нормал шароитда ва беш хил яллиғланишга қарши дориларни бир вақтнинг ўзида қўллаганда оқ каламушларнинг ингичка ичак агрегирланган лимфоид тугунларнинг ўзгаришларни аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 250 та оқ зотсиз эркак каламушлардан фойдаланилган. Оғирлиги 200-250 г. ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба остидаги оқ зотсиз эркак каламушлар ингичка ичакнинг учта қисмдан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажариш мақсадида морфологик, морфометрик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оқ зотсиз каламушларда ҳар хилтурдаги яллиғланишга қарши дори воситалар фонида ингичка ичак интраэпителиал лимфоцитлар сони кўпайиши, ингичка ичак ворсинкалари инфилтрацияланиши аниқланган;

яллиғланишга қарши дори воситалар билан полипрагмазия оқ зотсиз каламушларнинг ингичка ичакдаги яқка тартибдаги лимфоид тунчаларининг сони, ўлчамини камайтириб, салбий таъсири аниқланган;

полипрагмазия шароитида ингичка ичак агрегатланган тугунлардаги лимфоид тугунчаларда ҳамчуқур бузилишлар аниқланиб, тугунчалар сонининг сийраклашиши, ўлчамлари камайиши ва тугунчалараро масофанинг узайиши кўрсатиб берилган;

фармакодинамик таъсири ўхшаш бўлган уч турдан ортик дори воситаларини қўллашдан сўнг, назорат гуруҳидан фарқли ўларок, ингичка ичакнинг лимфоид тугунчалар билан қопланиш майдонининг пасайиши аниқланган бу эса полипрагмазия таъсирида ичак лимфоид тўқималарининг функционал фаоллиги пасайишига олиб келган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полипрагмазия фонида ингичка ичакнинг лимфоид тугунчаларида макро- ва микроскопик ўзгаришларни ўрганиш натижалари: фармакодинамикаси ўхшаш бўлган дорилар сонини тўғри танлашга, дори воситаларининг салбий реакциялари эрта босқичларда аниқлаш, олдини олишга ёрдам берган;

уч ва ундан ортик дорилар таъсирида ингичка ичакдаги структуравий ўзгаришларни ўрганиш ушбу дориларнинг энг хавфли комбинацияларини аниқлашга имкон берган;

яллиғланишга қарши дори воситалар билан полипрагмазияси таъсирида ингичка ичак лимфоид тўқимасидаги салбий ўзгаришлар соғлиқни сақлаш амалиётида касалликларни даволаш тактикасини тўғри белгилашда эътиборга олиниши асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тажрибавий, морфометрик,

лаборатор ва статистик текширув усулларидан фойдаланилганлиги, ингичка ичак лимфоид тугунлар тузилмаларининг морфологик ва функционал параметрлари ўзгаришларининг хусусиятларини баҳолаш бўйича натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти организмда яллиғланишга қарши дори воситалар билан полипрагмазияси таъсирида юзага келадиган иммун жараёнларнинг мураккаб ўзгариш механизмларини очиб берилганлиги, лимфоид тугунчалар морфологияси ва унинг структур ўзгаришлари тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон бериши ва илмий тадқиқотнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти полипрагмазия фонидида ингичка ичак лимфоид тўқимасида морфометрик ўзгаришларининг асосий тамойиллари аниқланганлиги, олинган маълумотлар полипрагмазияга йул қўймаслик, хавфсиз дорилар кимбинацияларини танлашга ва илмий асосланган самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқишга қўмаклашиши, ўз навбатида, илмий лабораторияларда полипрагмазия таъсирида ингичка ичак иммун тизими касалликлари тажриба модели сифатида фойдаланиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полипрагмазия шароитида ингичка ичак лимфоид тугунчаларининг морфометрик ўзгаришлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тажрибада полипрагмазия шароитида ингичка ичак лимфоид тугунчаларининг морфометрик параметрларини аниқлаш имконини берувчи «Яллиғланишга қарши дори воситалар полипрагмазияси фонидида ингичка ичакнинг ягона лимфоид тугунларида таркибий ўзгаришларни аниқлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 сентябрдаги 8н-р/787-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома полипрагмазия шароитида ингичка ичак лимфоид тугунчаларининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш имконини берган;

полипрагмазия шароитида ингичка ичак агрегатланган лимфоид тугунлари ва фолликулаларида морфологик ўзгаришларни аниқлаш имконини берувчи «Полипрагмазия шароитида ингичка ичакнинг агрегатланган лимфоид тугунлари ва фолликулаларида морфологик ва морфометрик ўзгаришларни аниқлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 сентябрдаги 8н-р/788-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома тажриба ҳайвонлари ингичка ичаги агрегатланган лимфоид тугунларида морфологик ўзгаришлар даражасига баҳо бериш имконини берган;

ингичка ичак лимфоид тугунчаларининг полипрагмазия шароитида морфометрик ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро шаҳар 1-сон

оилавий поликлиникаси, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси клиник амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 08-09/21258-сон хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши полипрагмазия фонида ингичка ичак лимфоид тугунларининг морфологик гуруҳлаштирилган миқдори ва ўлчамлари, улардаги тугунлар сони, умумий майдони, ингичка ичак умумий майдонига лимфоид тугунлари умумий майдонининг нисбатини фойдалардаги ифодаси бўйича аъзо патологияларининг ривожланишини эрта ташхислаш, полипрагмазияни олдинини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Ичакка ҳос бўлган лимфоид тўқималарнинг морфофункционал хусусиятлари»** хорижий ва маҳаллий адабиётлар материаллари таҳлил қилинган. Унда одам ва ҳайвонлар ингичка ичак лимфоид тўқималарининг тараққий қилиши, анатомик ва гистологик тузилиши ҳамда вазифаларига бағишланган материаллари кенг қамровли тартибда ёритилган. Оддий шароитларда ичак лимфоид тўқималарнинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Ингичка ичакнинг лимфоид тўқималарининг тузилиши ва функциясига таъсир этувчи турли экстремал омиллар таҳлили баён этилган. Полипрагмазия ҳолати, дори воситаларининг ўзаро таъсири ва ингичка ичакнинг лимфоид тўқималарининг функционал ҳолатига таъсир қилувчи ножўя реакцияларнинг ривожланиши баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «Назорат ва экспериментал гуруҳларда ингичка ичакнинг лимфоид тўқималарининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни баҳолаш учун материаллар ва усуллар» тадқиқот материаллари ва усуллари батафсил баён этилган. Тажриба виварий шароитида 250 та беш ойлик оқ зотсиз эркак каламушларда ўтказилди. Каламушларнинг оғирлиги 200-250 г. ташкил этган. Тажрибанинг бошида барча жинсий етук каламушлар 21 кун давомида карантинга олинган, соматик ёки юқумли касалликларни истисно қилгандан сўнг, улар кунига 2 марта овқатланиш билан одатдаги виварий режимига ўтказилган.

Ҳайвонларнинг экспериментал гуруҳларида полипрагамазия таъсирини ўрганиш учун қуйидаги яллиғланишга қарши дорилар қўлланилган: Аспирин (стероид бўлмаган яллиғланишга қарши воситалар гуруҳи - салицил кислотаси ҳосилалари); Парацетамол (стероид бўлмаган яллиғланишга қарши воситалар гуруҳи - анилидлар ҳосилалари); Ибупрофен (стероид бўлмаган яллиғланишга қарши воситалар гуруҳи - пропион кислотаси ҳосилалари); Дексаметазон (синтетик глюкокортикостероид); Плаквинил сульфат (яллиғланишга қарши таъсирга ега, безгакка қарши восита).

Оқ каламушлар 5 гуруҳга бўлинган ($n = 250$): I гуруҳ - назорат ($n = 50$); II-гуруҳ - 2 турдаги яллиғланишга қарши дори: парацетамол 15 мг/кг, аспирин 5 мг/кг олган каламушлар ($n = 50$); III - гуруҳ - 3 турдаги яллиғланишга қарши дори воситаларни қабул қилган оқ каламушлар: парацетамол 15 мг/кг, аспирин 5 мг/кг, ибупрофен 6 мг/кг ($n = 50$); IV гуруҳ - 4 турдаги яллиғланишга қарши дори воситаларни қабул қилган оқ каламушлар: парацетамол 15 мг/кг, аспирин 5 мг/кг, ибупрофен 6 мг/кг, дексаметазон 0,1 мг/кг. ($n = 50$); V гуруҳ - 5 турдаги яллиғланишга қарши дори воситаларни қабул қилган оқ каламушлар: парацетамол 15 мг/кг, аспирин 5 мг/кг, ибупрофен 6 мг/кг, дексаметазон 0,1 мг/кг, гидроксихлорохин сульфат 6,5 мг/кг ($n = 50$).

Ушбу дори дозалари эмпирик тарзда ҳисоблаб чиқилган ва 10 кун давомида эритма сифатида ҳар куни интрагастрал йўл билан металл зонд ёрдамида юборилган. 141 кундан 150 кунгача (5 ойлик) каламушларга 10 кун давомида 0,5 мл дистилланган сув (назорат гуруҳи) ва турли комбинацияларда яллиғланишга қарши дорилар (тажриба гуруҳлари) интрагастрал юборилган.

Тажриба жараёнида каламушларнинг тана вазнининг динамикаси, уларнинг умумий ҳолати ва хатти-ҳаракатлари бўйича кузатишлар ўтказилган. Ҳайвонларнинг умумий ҳолати ва хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмаган. Тажриба муддати тугагандан сўнг, биотиббийёт тадқиқотлари бўйича халқаро тавсияларга мувофиқ оқ каламушларнинг бўйин қисмидан, эфир наркози ёрдамида беҳушлик остида жонсизлантирилган.

Оқ каламушларда ингичка ичакнинг лимфоид тўқималарини ўрганиш учун органометрик, гистологик, хистоморфометрик ва микроскопик

усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш учун статистик маълумотлардан фойдаланилган.

Ингичка ичакни қорин бўшлиғидан олиб қўйгандан сўнг, абзонинг узунлиги ва кенлиги, 0,05 мм аниқликдаги миллиметрли лента ёрдамида ўлчанган. Олинган натижалар ёзиб олиниб, далолатнома тузилган.

Ингичка ичак макропрепаратлари Хеллман (1921) усули бўйича бўялган. Препарат 30 дақиқа давомида сув билан ювилган (2- кунгача бўлиши мумкин). Макропрепаратлар сирка кислотасининг 3% ли эритмасига 18 соатга солинган (2-5 кунгача солиш мумкин), эритма тиниқ бўлмагунча. Кейин яна 2 соат давомида оқар сув билан ювилган. Ювиб бўлгач, 1% ли Гаррис гематоксилин эритмасига (99 мл сув + 1 мл Гаррис гематоксилини) солиб, 48 соат давомида бўялган. Оқар сувда 30 дақиқа ювилгандан сўнг 2 соат сирка кислотасининг 2% ли эритмасига солинган, оқар сувда яна 30 дақиқа ювилгандан сўнг, мушак ва сероз пардалар ажратилиб, препарат микроскоп остида кўрилган.

50 та ингичка ичак макропрепаратларидан 25 таси макроскопик текшириш учун ишлатилган, 25 тасида эса ингичка ичакнинг бошланғич, ўрта ва охири қисмларидан бўлақлар олиниб, нейтрал формалиннинг 10% ли эритмасида фиксацияланган. Фиксациядан сўнг, препаратлар бир соат давомида оқар сувда ювилган. Материаллар стандарт техникага мувофиқ ҳар хил концентрацияли спиртлардан ўтказилган, кейин намуналар парафин блокларига жойлаштирилган. Кейинчалик, МС-2 микротоми ёрдамида қалинлиги 4-6 мкм бўлган парафин кесимлари тайёрланган, гематоксилин ва эозин билан бўялган. Кесимлар морфометрик усулда окуляр микрометр DN - 107Т / Модел NLCD-307В (Novel, Хитой) ёрдамида, лимфоид тугунлар ва тугунчалар-аро зоналарнинг ўлчами, Пейер тугунлари текширилган.


Гисто ва цитоморфологик маълумотлар статистик ишланган, унда Pentium-IV персонал компьютерида Microsoft Office дастурлар тўплами Excel 7.0 умумий матрицасидан бевосита «STTGRAPH 5.1» дастурининг имкониятларини жалб қилган ҳолда, ўрта квадрат оғишлари ва репрезентатив хатоларининг кўрсаткичларини аниқлаб, амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Оқ зотсиз каламушлар ингичка ичак лимфоид тўқимаси меъйёрда ва полипрагмазия шароитида морфологик ва морфометрик хусусиятлари»ни ўрганиш ва баҳолашга бағишланган.

Экспериментал ҳайвонларда ингичка ичакнинг лимфоид тўқимасининг асосий қисмларида гистоморфометрик параметрларининг ўзгариши кузатишган.


Назорат гуруҳида ингичка ичакнинг проксимал қисмидаги ворсинкаларнинг 100 эпителий хужайраларида интраэпителиал лимфоцитлар сони ўртача $10,6 \pm 0,6$ дона, ўрта қисмида $13,8 \pm 0,3$ дона, дистал қисмида $15,6 \pm 0,4$ ни ташкил қилган. Иккинчи ва учинчи гуруҳлардаги динамикада интраэпителиал лимфоцитлар сонининг аниқ ўсиши аниқланмаган, лекин 4 ва 5 гуруҳларда интраэпителиал лимфоцитлар, кўпроқ даражада ингичка

ичакнинг дистал қисмида 21% ва 34% га ошган. Бу лимфоцитлар томонидан ингичка ичак шиллик қаватига миграциясини, шиллик қават инфилтрациясини кўрсатилган (1-расм).



1-расм. Назорат ва экспериментал гуруҳлардаги оқ каламушларда интраэпителиал лимфоцитларнинг ўртача сони, ингичка ичак 100 эпителий хужайраларида, дона.

Ингичка ичакнинг шиллик ости қаватида якка тартибдаги лимфоид тугунлар сонининг ўзгариши кузатилган. Назорат гуруҳда якка тартибдаги лимфоид тугунлар сони ингичка ичакнинг проксимал қисмидан дистал қисмига қараб кўпайиши аниқланган. 2-расмда ингичка ичакдаги якка тартибдаги лимфоид тугунлар сонининг гуруҳларга мос равишда ўзгариши кўрсатилган.




2-расм. Назорат ва экспериментал гуруҳлардаги оқ каламушларда бутун ингичка ичак бўйлаб якка тартибдаги лимфоид тугунлар сонининг ўзгариши, дона.

Ингичка ичакнинг проксимал қисмида назорат гуруҳда якка тартибдаги лимфоид тугунчалар сони $11 \pm 0,3$ дона, 5-тажриба гуруҳида эса, 5 турдаги

яллиғланишга қарши дори воситаларидан фойдалангандан сўнг, якка тартибдаги лимфоид тугунлар миқдори ўртача - $8,7 \pm 0,14$ гача камайган, бу биринчи гуруҳга нисбатан 20% га кам. 4-гуруҳда якка тартибдаги лимфоид тугунлар сони 17% га камайган ва $9,1 \pm 0,21$ дона ташкил этдган. 3-гуруҳда якка тартибдаги лимфоид тугунлар мос равишда 13,6% га, 2-гуруҳда 11,8% га камайган.

Каламушларнинг ингичка ичаг ўрта қисмидаги якка тартибдаги лимфоид тугунларининг ўртача миқдори $14 \pm 0,32$ га тенг. Тадқиқот гуруҳларида ингичка ичакнинг ўрта қисмида якка тартибдаги лимфоид тугунларининг миқдори қўлланилаётган дорилар миқдорига қараб, яъни 5 гуруҳда 12.8%, 4 гуруҳда 7.8%, 3 гуруҳда 6.8% ва 2 гуруҳда 5% га камайган.

Тадқиқот гуруҳларида ингичка ичакнинг дистал қисмида якка тартибдаги лимфоид тугунларининг сони ҳам 5 гуруҳда 15% га, 4 гуруҳда 11% га, 3 гуруҳда 9.7% га ва 2 гуруҳда 1.9% га камайган (3-расм).




3-расм. Назорат ва тажриба гуруҳларда якка тартибдаги лимфоид тугунларнинг ингичка ичак қисмларига қараб ўртача миқдори, см²

Экспериментал оқ каламушларда ингичка ичак препаратларини макроскопик текширганда якка тартибдаги лимфоид тугунларининг ўлчами ва улар орасидаги масофани ўзгариши аниқланган. Динамикада 5- ва 4-гуруҳларида ингичка ичакнинг проксимал қисмида якка тартибдаги лимфоид тугунлар орасидаги масофа 3,3% га узайиши аниқланган, 3- ва 2-гуруҳларида якка тартибдаги лимфоид тугунлар орасидаги масофа сезиларли даражада камаймаган (4-расм).

Ингичка ичакнинг лимфоид тугунларни ўрганганда, яллиғланишга қарши дориларнинг таъсири натижасида ингичка ичакнинг лимфоид

тугунлар сонида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмагани аниқланган, яъни биринчи гуруҳда улар $18,4 \pm 0,32$ дона, иккинчи гуруҳда $18,5 \pm 0,3$ дона, учинчи гуруҳда $17,5 \pm 0,35$ дона, тўртинчи гуруҳда $17,8 \pm 0,21$ ва бешинчи гуруҳда $18,02 \pm 0,21$ донани ташкил этилган.

Тадқиқот натижасига кўра, лимфоид тугунлар ўлчамларининг камайиши аниқланган. Назорат гуруҳда, ингичка ичакнинг проксимал қисмида лимфоид тугунларнинг ўлчами ўртача $2,9 \times 3,25$ мм ташкил этган, аммо 2 гуруҳда $2,8 \times 3,15$ мм, 3 гуруҳда $2,6 \times 3,08$ мм, 4 гуруҳда $2,5 \times 3,0$ мм ва 5-гуруҳда $2,2 \times 2,8$ мм. га тенг бўлган. Ўрта қисмида лимфоид тугунлар ўлчамлари унинг проксимал қисмидаги лимфоид тугунларга қараганда каттарок, экспериментал гуруҳларда ингичка ичакнинг ўрта қисмида лимфоид тугунлар ўлчамлари қуйидагича пасайиши аниқланган, яъни биринчи гуруҳда ўртача лимфоид тугунларнинг ўлчами $3,36 \times 4,25$ мм, 2-гуруҳда $3,24 \times 4,24$ мм, 3-гуруҳда $3,2 \times 4,2$ мм 4-гуруҳда $3,1 \times 4,0$ мм ва 5-чи гуруҳда $3,0 \times 3,9$ мм. ташкил этилган.




4-расм. Назорат ва полипрагмазия гуруҳдаги 5 ойлик каламушнинг ингичка ичакдаги якка тартибдаги лимфоид тугунлари. Хелман бўйича бўялган. 13 марта катталаштирилган.

1 - ингичка ичак девори, 2 - лимфоид тугун.

Энг катта ўлчамли лимфоид тугунлар ингичка ичакнинг дистал қисмида жойлашганлиги аниқланган. Уларнинг ўлчамлари қуйидаги тартибда ўзгарган: биринчи гуруҳда $5,57 \times 6,46$ мм., 2-гуруҳда $5,05 \times 6,12$ мм., 3-гуруҳда $5,0 \times 6,01$ мм., 4 гуруҳда $5,0 \times 5,8$ мм., ва 5-гуруҳда $4,9 \times 5,5$ мм. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 5 дан ортиқ дори воситалари таъсирида лимфоид тугунлар ўлчами нормага нисбатан 1,2 баробарга камайган.

Текшириш натижаларига кўра, тугунлар орасидаги масофанинг ошиши аниқланган. Ингичка ичакнинг проксимал қисмида тугунлар орасидаги масофа назорат гуруҳига нисбатдан 2-гуруҳда 17,2% га, 3-гуруҳда 21,4% га,

4-гурухда 27,3% га ва 5-гурухда 37,7% га ортган. Ингичка ичакнинг ўрта қисмида тугунлар орасидаги масофа иккинчи гуруҳда 2,1% га учинчи гуруҳда 5% га тўртинчи гуруҳда 8,8% ва бешинчи гуруҳда мос равишда 25,2% га ортган.




5-расм. Назорат ва экспериментал гуруҳ каламушларида ингичка ичакнинг дистал қисмидаги лимфоид бляшкаларнинг ўлчамлари, мм.

Дистал қисмда назорат гуруҳида тугунлар орасидаги масофа ўртача $25,46 \pm 0,59$ мм га тенг, иккинчи гуруҳда тугунлар орасидаги масофа узайиб ўртача $28,6 \pm 0,65$, учинчи гуруҳда $30,3 \pm 0,59$, тўртинчи гуруҳда $33,1 \pm 0,57$ ва бешинчи охири гуруҳда $41,6 \pm 0,93$ мм гача ортган (6-расм).

Аниқланган маълумотларга кўра, ингичка ичак деворларидаги агрегирланган лимфоид тугунлар таркибидаги тугунчаларда ҳам сезиларли ўзгаришлар аниқланган. Лимфоид тугунчалар сони назорат гуруҳидаги тугунлар сони билан солиштирганда уларнинг сони, ўлчамлари камайганлиги аниқланди. Тугунчалар аро масофа эса сезиларли даражада узайди, бу ингичка ичакнинг дистал қисмидаги лимфоид тугунларда аниқ намоён бўлган. (6-расм).


Шунингдек, лимфоид тугунчаларнинг ўлчамлари ҳам ўзгарган. Назорат гуруҳида проксимал қисмида лимфоид тугунчаларнинг ўртача ўлчамлари $0,86 \times 0,9$ мм. Лимфоид тугунчалар ўлчамлари яллиғланишга қарши дориларнинг сонига қараб, қуйидагича ўзгарган, иккинчигуруҳда $0,85 \times 0,88$ мм, учинчи гуруҳда $0,76 \times 0,85$ мм, тўртинчи гуруҳда $0,7 \times 0,8$ мм ва бешинчи гуруҳда $0,65 \times 0,75$ мм гача камайган.



6-расм. Назорат ва экспериментал гуруҳлардаги ингичка ичак лимфоид тугунлар орасидаги масофанинг динамикада ўзгариши, мм.

Ингичка ичакнинг ўрта қисмида лимфоид тугунчаларнинг ўлчамлари: биринчи гуруҳда 0,76x0,86 мм, иккинчи гуруҳда 0,72x0,83 мм, учинчи гуруҳда 0,62x0,74 мм, тўртинчи гуруҳда 0,6x0,7 мм ва бешинчи гуруҳда 0,54x0,68 мм ташкил этган (7-расм).

Ингичка ичакнинг дистал қисмида назорат гуруҳда лимфоид тугунчаларнинг ўртача ўлчамлари 0,76x0,89 мм.ни ташкил этган, иккинчи гуруҳда 0,7x0,82 мм, учинчи гуруҳда 0,65x0,8 мм, тўртинчи гуруҳда 0,62x0,75 мм ва бешинчи гуруҳда 0,6x0,71 мм гача камайган.



7-расм. Назорат ва тўртинчи гуруҳдаги 5 ойлик каламушнинг ингичка ичакнинг ўрта қисмида агрегирланган лимфоид тугунлар. Хелман бўйича бўялган. 6 марта катталаштирилган. Лимфоид тугунчаларнинг кичрайиши ва тугунчалар аро масофанинг узайиши кузатилган.

Тадқиқот натижаларида тугунчалар орасидаги масофанинг ўзгариши ва тугунчаларо зонанинг узайиши аниқланган. 2-гуруҳда ингичка ичакнинг

проксимал қисмида тугунчалараро зона 19% га, 3-гуруҳда 33,3%, 4-гуруҳда 47,6% ва 5-гуруҳда 61,9% га узайган. Тугунчалар орасидаги масофа худди шу кетмакетликда, яни 2-гуруҳда 3,1% га, 3-гуруҳда 7,3% га 4-гуруҳда 13,7% ва 5-гуруҳда 36,8% га узайган.


Ингичка ичакнинг ўрта қисмида тугунчалараро зона ва тугунчалар орасидаги масофа иккинчи гуруҳда 5,4% -6% га, учинчи гуруҳда 13,5% - 11,1% га, тўртинчи гуруҳда 29,7%- 21,2% га, ва 5-гуруҳда мос равишда 35,1% -31,3% га ошган. Дистал қисмида тугунчалараро зона ва тугунчалар орасидаги масофа қуйидаги тартибда ўзгарган, иккинчи гуруҳда тугунчалараро зона ва тугунчалар орасидаги масофа 5,2% -7,3% га, учинчи гуруҳда 10,5% -15,7% га, тўртинчи гуруҳда 26,3% ва бешинчи гуруҳда мос равишда 36,8% га ўсган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, биринчи назорат гуруҳидаги ингичка ичакнинг лимфоид тугунлари овал (61,2%), юмалоқ (32,9%) ва тартибсиз (5,9%) шаклга эга. Йиғилган лимфоид тугунларнинг умумий майдони ингичка ичакнинг умумий майдонининг 5,06% ни ташкил қилган. Иккинчи гуруҳдаги ингичка ичакнинг йиғилган лимфоид тугунлар овал (59,3%) ва юмалоқ (34,6%), камроқ тўртбурчаклар ва тартибсиз шаклларга эга (6,1%), йиғилган лимфоид тугунлар умумий майдони ингичка ичакнинг умумий майдонининг 4,03% ни ташкил қилган. Учинчи гуруҳда йиғилган лимфоид тугунлар овал (50,5%) ва юмалоқ (36,0%), тўртбурчаклар ва тартибсиз шаклларга (13,5%) эга, йиғилган лимфоид тугунлар умумий майдони ингичка ичакнинг умумий майдонининг 3,69% ни ташкил қилган. Тўртинчи гуруҳда йиғилган лимфоид тугунлар овал (45,2%) ва юмалоқ (37,5%), тўртбурчаклар ва тартибсиз (17,3%), йиғилган лимфоид тугунлар умумий майдони ингичка ичакнинг умумий майдонининг 3,28% ни ташкил қилган. Бешинчи гуруҳдаги ингичка ичакнинг йиғилган лимфоид тугунлар овал (40,3%), юмалоқ (40,1%), тўртбурчак ва тартибсиз шаклларда (19,6%), йиғилган лимфоид тугунлар умумий майдони ингичка ичакнинг умумий майдонининг 2,85% ни ташкил қилган (8-расм).

Шундай қилиб, олинган натижалар шуни кўрсатдики, ҳар хил миқдордаги дори воситалар билан таъсир қилишда ингичка ичак лимфоид тўқима турли даражадаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларга сабаб бўлган. Оқ каламушларда яллиғланишга қарши дориларни ингичка ичакнинг лимфоид тўқималарига таъсири экспериментал тарзда ўрганилган. Яллиғланишга қарши дориларнинг учдан ортиқ тури таъсир қилгандан сўнг, ингичка ичак иммун фаоллиги сезиларли даражада пасайиши аниқланган.

Ингичка ичакнинг лимфоид тузилишига полипрагмазиянинг таъсири мавжудлигини аниқлаш, полипрагмазиянинг организм учун етарлича хавф даражасига эга эканлигини кўрсатган. Шунингдек, учинчи ва тўртинчи

тадқиқот гуруҳларида агрегирланган лимфоид тугунлари ва тугунчаларда сезиларли ўзгаришлар аниқланган.



8-расм. Биринчи ва полипрагмазия гуруҳдаги 5 ойлик каламушда якка тартибдаги лимфоид тугунчанинг кўриниши. Гематоксилин-эозин.

А.1- гуруҳ овал шаклидаги лимфоид тугунча (Ок. 10, об. 10.);

Б.3 - гуруҳ учбурчак шаклидаги лимфоид тугунча (Ок. 10, об. 40.)

Дори воситалар сони қанчалик кўп қўлланилса, ингичка ичакнинг лимфоид тўқималарида патологик таъсир шунчалик аниқ бўлиши исботланган. Яллиғланишга қарши дорилар томонидан полипрагмазиянинг ингичка ичакнинг лимфоид тузилишига таъсири мавжудлигини аниқлаш, полипрагмазиянинг иммун реакциясига зарарли таъсир кўрсатиши, иммун тизим фаоллиги пасайиши ва организм учун етарли даражада хавф мавжудлигини кўрсатган.

ХУЛОСА

«Полипрагмазия шароитида ингичка ичак лимфоид тугунчаларининг морфометрик ўзгаришлари» диссертация тадқиқоти асосида қуйидаги хулосалар келтирилган:

1. Назорат гуруҳида ингичка ичакдаги дистал қисми шилликқават 100 эпителий хужайраларида интраэпителиал лимфоцитлар сони ўртача $15,6 \pm 0,6$ ни ташкил қилади. Иккинчи ва учинчи экспериментал гуруҳларидаги ўзгаришлар сезиларли даражада ўзгармади, лекин 4- ва 5-гуруҳларда интраэпителиал лимфоцитлар 21% ва 34% га ошди. Бу шилик қавати лимфоцитлар билан инфильтрацияланиши билан далолат беради.

2. Яллиғланишга қарши дорилар билан полипрагмазиясида якка тартибдаги лимфоид тугунчалар сонининг ўзгариши кузатилди. Яллиғланишга қарши дорилар сони қанча кўп бўлса, якка тартибдаги лимфоид тугунларнинг сони ва ўлчамлари шунчалик кичик бўлади. Якка тартибдаги лимфоид тугунлар ўлчамлари назорат гуруҳига нисбатан 7% дан (2 гр.) 30% гача (5 гр.) камайди.

3. Экспериментал оқ каламушларда ингичка ичакни макроскопик текширишда агрегирланган лимфoid тугунлар таркибидаги лимфoid тугунчалар ўлчамларининг камайиши аниқланди(4 гуруҳда 28%, 5 гуруҳда 34%га), хамда тугунчалар орасидаги масофони ортиши кузатилди (29-35%).

4. Полипрагмазия фонида беш ойлик оқ зотсиз каламуш ингичка ичак агрегирланган лимфoid тугунлар сони назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камаймади, аммо 4- ва 5-гуруҳларда лимфoid тугунлар ўлчамлари 8,3-11,7% га камайди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01
ПОПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

НАСИРОВА САБИНА ЗАУРОВНА

ИЗМЕНЕНИЕ МОРФОМЕТРИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ
ЛИМФОИДНЫХ УЗЕЛКОВ ТОНКОЙ КИШКИ В УСЛОВИЯХ
ПОЛИПРАГМАЗИИ

14.00.02 - Морфология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

Бухара - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Tib 1621

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный руководитель

Тешаев Шухрат Жумаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
доктор медицинских наук

Ахмедова Сайёра Мухамадовна
доктор медицинских наук

Ведущее учреждение

**Астраханский государственный
медицинский университет**
(Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «26» сентября 2022 г. в 12³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел. (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 017). Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «12» сентября 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 11 от «12» сентября 2022 г.)



А.Ш.Иноятов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Н.Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по медицинским наукам (PhD), доцент

Н.А.Нуралиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, одна из глобальных проблем XX века – полипрагмазия. Это связано с неконтролируемым, необоснованным приемом большого количества лекарственных средств. Сегодня противовоспалительные препараты - одна из наиболее широко используемых лекарственных средств. Их широкое использование связано с их жаропонижающими, противовоспалительными и обезболивающими свойствами. Однако противовоспалительные препараты могут вызвать серьезные осложнения в желудочно - кишечном тракте. «...нежелательные лекарственные реакции при приеме одного лекарственного средства у пожилых возникают в 10%, при приеме более 10 препаратов практически в 100% случаев, а летальность при этом приближается к 10%»¹. В настоящее время полипрагмазия как результат ятрогении, является серьезной проблемой здравоохранения, так как клинически проявляется снижением эффективности фармакотерапии и развитием тяжелых нежелательных лекарственных реакций, а также значительным увеличением расходов в здравоохранении.

Энтеропатия, признана одним из наиболее частых и серьезных осложнений терапии, противовоспалительными препаратами. Многочисленные исследования по всему миру показали, что на перфорацию кишечника и смертность от кишечных язв приходится 15% людей, принимающих противовоспалительные препараты. Но, как эти препараты влияют на иммунную систему кишечника, представляет большой интерес. Это связано с тем, что одиночные и сгруппированные лимфоидные узелки, расположенные в стенке кишечника, формируют иммунный ответ и защищают весь организм от антигенов. Неблагоприятное воздействие на лимфоидную ткань кишечника, под действием лекарственных препаратов может привести к развитию токсемии, снижению иммунитета и нарушению гомеостаза. Поэтому, определение степени морфометрических изменений лимфоидной ткани тонкой кишки при полипрагмазии и разработка правильных лечебных мероприятий, приобретают важное значение.

В нашем государстве осуществляется коренное улучшение системы здравоохранения, в том числе всесторонне изучено влияние полипрагмазии на организм, получены обоснованные результаты. Стратегией действий по развитию Республики Узбекистан, обозначены важные задачи, направленные на «...повышение качества оказания населению медицинских и социально-медицинских услуг, формирование у населения здорового образа жизни». Для решения этих проблем, необходимо создание возможности уменьшения уровня смертности и инвалидности от без контрольного назначения лекарственных средств, поднятие на новый уровень качества, современного

¹ Сычев Д.А., Отделенов В.А., Краснова Н.М., & Ильина Е.С. Полипрагмазия: взгляд клинического фармаколога // Терапевтический архив. – Москва, 2016. – N 88 (12). – С. 94-102.

медицинского сервиса, диагностики и лечения, улучшение использования современных технологий².

Постановления Президента Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года № ПП-4554 «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан», ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы Государственного управления сферой здравоохранения», ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» а также другие нормативно-правовые документы, касающиеся деятельности в данном направлении являются основой для реализации поставленных задач данной диссертационной работы.

Соответствие исследования, приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено соответственно приоритетному направлению развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Polympragmasia (Poly - много, pragma - действие) одновременное (нередко необоснованное) назначение множества лекарственных средств. В результате исследования последних десятилетий, установлены структурно-функциональные особенности иммунной системы слизистой оболочки тонкой кишки, кишечечно-ассоциированной лимфоидной ткани (Т.С. Гусейнов, С.Т. Гусейнова, 2017). С современных позиций, желудочно-кишечный тракт рассматривают как важнейший орган, выполняющий защитную функцию организма и как существенный компонент общей иммунной системы (Ш.Ж.Тешаев, 2001; А.Б. Раджабов 2003).

